



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100011, Toshkent sh., Navoiy ko'chasi, 4, tel.: (998 71) 241-08-95, 241-68-95,
www.ssv.uz, e-mail: info@ssv.uz, ssv@exal.uz

2022 йил "13" октябрь

08-31678 - сон

**Қорақалпоғистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирлиги,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш
Бош бошқармаси, вилоятлар
соғлиқни сақлаш бошқармалари,
Вазирлик тасарруфидаги тиббиёт
Олий таълим муассасалари ва
илмий ташкилотларга**


**Бухоро давлат тиббиёт институти томонидан режалаштирилган
“Замонавий педиатрия: Болалар касалликлари диагностикаси ва
давосининг янги имкониятлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий
анжуманини ўтказиш тўғрисида**

КЎРСАТМА-ХАТ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йилга мўлжалланган асосий ташкилий тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **2022 йилнинг 4-5 ноябрь** кuni Бухоро шаҳри “Саҳид Зарафшон” анжуманлар залида Бухоро давлат тиббиёт институти томонидан режалаштирилган **“Замонавий педиатрия: Болалар касалликлари диагностикаси ва давосининг янги имкониятлари”** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани ўтказилсин.

2. **“Замонавий педиатрия: Болалар касалликлари диагностикаси ва давосининг янги имкониятлари”** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани дастури 1-иловага мувофиқ, анжуманга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-иловага мувофиқ; ишчи қўмита



таркиби 3-иловага мувофиқ, анжуман иштирокчилари учун ўринлар тақсимоти 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фан ва таълим бошқармаси бошлиғи (**Ў.Исмаилов**), Бухоро давлат тиббиёт институти ректори (**Ш.Тешаев**) анжуман пухта тайёргарлик асосида белгиланган муддатда юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилиши таъминлансин.

4. Бухоро давлат тиббиёт институти ректори (**Ш.Тешаев**):
сертификатларни тайёрлаш ва конференция иштирокчиларини ўрнатилган тартибда сертификатлар билан таъминлаш амалга оширилсин;

анжуманни ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин;

анжуманнинг илмий ва ташкилий дастурларини ўрнатилган муддатларда Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилсин;

анжуман эпидемиологик ҳолатни инобатга олиб, қатъий профилактик чоралар кўрилган ҳолда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарори билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари”га мувофиқ ўтказилиши ва анжуман ўтказилганлиги тўғрисида ҳисоботни 3 кун муддат ичида Фан ва таълим бошқармасига тақдим этилиши таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, тиббиёт олий ўқув юртлари ректорлари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар директорларига 4-иловага мувофиқ ўз мутахассисларини анжуман ишида қатнашиши таъминлансин.

6. Ахборот хизмати бошлиғи (**Ф.Санаев**) конференция ишини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишни ташкиллаштирилсин.

7. Ушбу кўрсатма хат ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир ўринбосари



Э.Баситханова